

## СОҒЛОМ АВЛОД- КЕЛАЖАГИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

**Ж.Эшназаров (СамДУ Профессори)**  
**Ориф Собиров (СамДУ магистранти)**

*Мақолада ёшларни жисмоний ва руҳан тарбиялаш, уларни ривожланиб бораётган мамлакатимиз келажаги учун хизмат қиладиган соғлом авлод қилиб етказиш ҳақида фикр юритилган*

Мамлакатимизнинг энг ката бойлиги унинг халқ эртанги кун эгалари бўлган ёш авлод ўғил қизларидир. Мустақилликдан сўнг ёш авлоднинг жисмонан соғлом, маънан етук шахс бўлиб камол топиши масаласи давлатимизнинг устувор мақсадларидан бирига айланиб қолди. Бундан кўзланган мақсад ҳар томонлама баркамол ёш авлодни шакллантириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизликдан, четдан кириб келадиган экстремистик ҳаракатлар ва паст савияли “оммавий маданият” иллатларининг зарарли таъсирлари, таҳдидидан муҳофаза қилиш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан 2014-йил “Соғлом бола йили” деб эълон қилиниши келажагимизнинг ҳар томонлама пойдевори мустаҳкамлигининг исботи сифатида қабул қилинди.

Ёшларни жисмонан ва руҳан чиниқиши, иродаси тобланишида, шижоат ва жасорат соҳибига айланишида жисмоний маданият, спортнинг ўрни катта. Жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, мамлакатнинг халқаро майдонда нуфузи ва обрўсини оширишда ҳам спорт улкан имкониятларга эга. Истиклолнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда спортни оммалаштиришга қаратилаётган алоҳида эътибор замирида ана шу эзгу мақсад мужассам. Соғлом авлод - жисмонан соғ, маънан баркамол, зарарли таъсирлардан, салбий иллатдан ҳоли, соғлом фикрли авлод бўлсагина ўз юртини дунёга танитади.

Соғлом авлод – соғлом, жисмоний бақувват, руҳи тетик, фикри тиниқ, иймон-этиқодли маънавиятли, мард ва жасур, ватанпарвар кишилар тушинилади. Соғлом боланинг туғилиши, энг аввало, ота-онанинг соғлигига боғлиқ. Соғлом оила бўлмаса, баркамол авлод ҳам, истикболи порлоқ миллат ҳам бўлмайди. Мамлакатимизда бу масалага ниҳоятда катта эътибор қаратилиб, 1993 йил 4 мартда Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг махсус Фармонида асосан Ўзбекистонда биринчи олий давлат нишони – “Соғлом авлод учун” ордени таъсис этилди. 1993 йил 3 июнда “Соғлом авлод учун” Халқаро хайрия жамғармаси ташкил этилди. Жамғарманинг асосий вазифаларидан бири, мамлакатимизда ёш авлодни соғломлаштириш миллий дастурининг она саломатлигини муҳофаза қилиш қисмини амалга ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштиришдан иборат.

Президентимиз томонидан 1998 йил – “Оила йили”, 1999 йил “Аёллар йили”, 2000 йил “Соғлом авлод йили”, 2001 йил “Оналар ва болалар йили”, деб эълон қилинди. 1998 йил 30 апрелда эса Олий Мажлис “Оила кодекси” қабул қилди. Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси ҳузурида Республика “Оила” илмий-амалий маркази тузилди. 2000 йил 15 февралда Вазирлар Маҳкамасининг “Соғлом авлод давлат дастури тўғрисида”ги қарори қабул

қилинди. 2001 йил “Оналар ва болалар йили” деб эълон қилиниши муносабати билан ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 19 декабрдаги 1306-сонли фармойишига мувофиқ, 2001 йил 5 февралда Вазирлар Маҳкамаси “Она ва бола” давлат дастури тўғрисида қарор қабул қилинди. 2008 йилнинг “Ёшлар йили” деб номланиши, 2010 йил “Баркамол авлод йили”, 2013 йил “Мустаҳкам оила йили” деб номланиши ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Бу борада қабул қилинган давлат дастури нафақат бугун, балки келажакда ҳам Соғлом авлодни тарбиялаш борасидаги устувор йўналишлар ва долзарб вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Маънавий ва жисмоний жиҳатдан бақувват ёшлар давлатимиз келажаги эканлигидан келиб чиққан ҳолда, Республикамизда фаолият кўрсатаётган спорт йўналишидаги таълим муассасалари ҳамда спорт мактаблари қатъий эътиқод ва қарашларга эга бўлган, маънавий таҳдидларга ва четдан кўрсатиладиган таъсирларга қарши туришга қодир бўлган спортчиларни вояга етказишни ўз олдига мақсад қилиб қўйишган. Чунки спорт ёш авлодга соғ –саломат, бардам-бақувват, хур фикр инсон бўлиб етишиш учун ёрдам беради. Спорт оилада, жамиятда соғлом муҳит қарор топиши учун ўзига хос замин бўлиб хизмат қилади. Спорт инсонга ишонч, тетиклик бахш этади. Спорт Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обруйини янада ошириш, нуфузини янада юксалтириш учун имконият яратади”. Ёшлар ўртасида анъанага айланиб қолган уч босқичли спорт ўйинлари, мактаб ўқувчиларининг “Умид ниҳоллари”, коллеж ва лицей ўқувчиларининг “Баркамол авлод”, олий ўқув юрти талабаларининг “Универсиада” мусобақалари ёшларимизни халқаро мусобақалар сари етакламоқда. Бу спорт мусобақаларида ғалабага эришиш ёшларимизнинг юксак мақсад, эзгу орзу, фахр-ифтихор манбаига айланмоқда ва уларнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий соғлом бўлиб улғайиши учун хизмат қилмоқда.

Юртимизнинг чекка ҳудудларида ҳам ёшларимиз спорт билан шуғулланиш катта спорт мусобақаларини ўтказиши учун мустаҳкам база яратилди. Айниқса, инсоний камолатнинг энг муҳим шарти бўлган жисмоний тарбия ва спортнинг ҳар қайси шаҳар ва қишлоқ, ҳар бир хонадонга кириб боришишига эришиш, бу соҳадаги барча ютуқларнинг пойдевори бўлмиш болалар спортини ривожлантириш, спорт орқали ёш авлод қалбида ирода, мардлик ва матонат фазилатларини тарбиялаш, соғлом муҳитни шакллантириш асосидир.

Биз, устозларнинг вазифамиз ёшларни мавжуд жиҳозлардан унумли фойдаланиш, ўқувчилар соғлигини мустаҳкамлашга эътиборни жалб этиш, шуғулланувчиларда жисмоний сифатлар- мардлик, жасурлик, чاقқонлик, эпчиллик каби хислатларни ривожлантириш, жисмоний тарбия орқали жисмоний маданиятни шакллантириш, мунтазам жисмоний машқлар билан шуғулланишга одатлантириш, спорт мусобақаларида иштирок этишга тайёрлаш, уларда фахр туйғуларини тарбиялашдан иборатдир.

Жисмоний тарбия ва спорт болалар учун ўз-ўзини кашф этишнинг бир воситаси. Болалардаги бу тарбияни шакллантириш, спортга бўлган иштиёқини ошириш, ўз вақтида тўғри йўналиш бериш, шуғуллантириш, боланинг ўзига ишончи баланд, жисмонан бақувват, тетик бўлишида ўқитувчи –мураббийлар билан биргаликда ота-оналарнинг ҳам ҳиссаси катта. Мамлакатимизда Соғлом авлодни вояга етказишга катта эътибор берилмоқда бундан кўзланган асосий мақсад-соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш, ҳар томонлама комил инсонни

вояга етказишдан иборат. Соғлом турмуш тарзи маданиятини шакллантириш - баркамол авлод пойдеворидир.